

# Мұхожир аёллар мұхожир аёлларға маслаҳат беришади

---

## Россия ҳаётига оид фойдали маслаҳатлар



Санкт-Петербург  
2019



**Мұхожир аўлар  
мұхожир аўларга  
маслаҳат беришади**

**Россия ҳаётига оид фойдали  
маслаҳатлар**

**Санкт-Петербург  
2019**

## **Азиз ўқувчи аёллар!**

Россияга келиш — осон иш эмас.

Ҳар куни аёл олдида уларга жавоб топиш ҳар доим ҳам осон бўлмайдиган кўплаб саволлар кўндаланг бўлади. Мухим вазифаларни ҳал этмоқ зарур: патент олиш, турар-жой ва иш топиш, болаларни боғчага ёки мактабга расмийлаштириш.

Сизларнинг кўпларингиз бу масалаларни ҳал қила туриб, билафонларга ва эксперtlарга айланасизлар ва бошқаларга қимматли маслаҳатлар бера оласизлар. Айнан шунинг учун биз китобча сахифаларида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозогистон ва Украинадан бўлган аёлларнинг маслаҳатларини тўпладик. Буларнинг сиз учун фойдали бўлишига ва вақти келиб, сиз ҳам ўзингизнинг муваффақиятли тажрибангиз билан бўлиши-шингизга умид қиламиш.

Сизнинг йўлингизда маشاққатлар оз учрашини тилаймиз. Агар улар пайдо бўлса — биз уларни биргаликда енгиб ўтамиш!

Сизга муваффақиятлар ёр бўлсин!

*Хурмат ила,  
БФ «ПСП-фонд» жамоаси*

## **МУНДАРИЖА**

Россия сафарига тайёргарлик .....	4
Хужжатларни расмийлаштириш .....	9
Тураг-жой .....	14
Иш излаш ва ишга жойлашиш .....	18
Полиция билан муносабат.....	22
Оила ва болалар.....	25
Тиббий ёрдам олиш .....	30
Ижтимоий ташкилотлардан ёрдам .....	32
Махаллий аҳоли билан мулоқот .....	35
Дам олиш .....	38
РВП, ВНЖ, Россия фуқаролиги.....	43
Ҳар тўғрида.....	47

## **Россия сафарига тайёргарлик**

---

 Аёлларнинг олдиндан тайёргарликсиз Россияга боришиларини маслаңат бермаймиз. Агар сиз тилни билмасанғыз, ҳар қадамда күплаб қийинчиликларга дуч келасиз. Одамлар қандай муаммоларга учрашлари ва нималарга тайёрланиш ҳақида түшунча бўлиши учун ҳеч бўлмагандан, у ерда олдин яшаган ва ишлаган кишилар билан гаплашиш зарур.

Ёлғиз, оиласиз, дўстларсиз йўлга чиқиши қийин. Ҳар бир муаммони ўзинг ҳал этишингга тўғри келади, буни тушуниш зарур. (Замира)

 Мұхожирлар биринчи навбатда қоида ва қонунларни тўплашлари, уларни ўкишлари ва уларга риоя қилишлари зарур. (Дилноза)

 Сафардан олдин рус тилини ўрганиш, буни болаларга ҳам, эркакларга ҳам айтиш зарур. Рус тилини билмасдан бу ерда хужжатларни расмийлаш-тириш ҳам, турар-жой ва иш излаш ҳам қийин бўлади. (Гулнора)

 Сафарга тайёргарлик – умуман бу энг мұхим жиҳатлардан бири. Иложиборичабарча хужжатлар, кириш ва чиқиши қоидалари, мамлакатда бўлиш муддатини барча тафсилотлари билан кўпроқ ўрганиш зарур. Сизга бунинг учун Давлат хизматлари портали, РФнинг мұхожирликка оид қонунчилигини ўрганиш, ижтимоий тармоқлардаги мазкур мавзу билан боғланган

---

турли гурухлар ёрдам беришлари мумкин. Шунингдек, Давлат дастурлари, масалан, Россия Федерациясига ихтиёрий кўчишга ёрдамлашиш Давлат программаси билан танишишни тавсия этаман. Балки Сиз учун таъсир кучидан фойдаланаарсиз ва унда хужжатларни расмийлаштиришингиз анча осон бўлади. Албатта, ҳаммадан ташвишланарлиси, у 100 фоиз ахборотга эга бўлишга ка-фолат бермайди, чунки қонунларда анчагина кўп нозикликлар бор, ҳа, РФ нинг ҳар бир субъектида ўз қоидалари ўрнатилади, шунинг учун бу ишларни бошидан ўтказган кишиларни топган маъқулроқ ва улар қандай тўғри йўл тутиш мумкинлигини айтишлари мумкин. (Марина)



Ҳаммадан муҳими – рус тилини билиш. Сиз рус тилини қанчалик яхшироқ билсангиз, ҳар қандай муаммоларни ҳал этишингиз шунчалик осон кечади. Тилни ёмон билган одам қийинчиликларга дуч келиши мумкин, полицияга гапини тушунтира олмайди, унга одамлар яхши муносабатда бўлишмайди.

Камдан-кам одам бу ерга шундай ўзи келади, кўпинча ўзларининг танишлари орқали келишади, қаерда тўхташни олдиндан келишиб олишади. Мен дугонам воситасида келдим, у билан Ўзбекистонда бирга ишлагандик. Оёққа туриб олганимча, дастлабки пайт уницида яшадим.

Келиш учун сенда харажатлар учун ишлатиладиган 40 минг рубл бўлиши зарур. 30 минг – хужжатларни тайёрлаш учун ва бу орада ўзингга иш қи-дирасан. (Фотима Зарипова)

 Қандай хужжатлар зарурлиги, қаерда яшаш, қандай қилиб ижарага уй олиш, қандай қилиб тузук иш топишины билмоқ зарур. Биринчи навбатда, туарар-жой, хужжатлар ва иш. Мен ҳаммага «ПСП-фонд» каби ижтимоий ташкилотлар, консуллик билан маслаңатлашиш борасида айтаман. (*Севара*)

 Рус тилини, Россия қонунларини ва ишлаётган шахрингдаги вазиятни билиш – мұхожир учун катта афзаллық. Бу пулни тежайди ва асабни авайлайди. Одатда күп хатоларға йўл қўйганингдан сўнг буни тушунасан. Россия ҳақида бу ерга келишдан олдин қанчалик кўп билсангиз, шунчалик осон бў-лади. (*Шаҳноза*)

 Биринчи навбатда каллага келадигани, бу – мұхожирлик картаси. Нимани ва қаерни, айниқса, «келишдан мақсад» пунктини тўлдиришни билмоқ зарур. Балки меҳнат мұхожирлари учун бу муаммо туғдирмас. Лекин мен бу муаммога дуч келдим. Мен учиб келаётганимда ва мұхожирлик картасини тўлдираётганимда, келишдан мақсадни «ўқишиш», деб тўлдирдим, чунки ишдан ташқари, аспирантурага ўқишига кирмоқчи эдим. Лекин ишга жойлашиш учун албатта «келишдан мақсад» пунктида айнан «иш» деб қайд этиш зарур экан. Бу хатойим ва Россия қонунчилигини билмаслигим учун Россия худудидан чиқиб кетишимга ва мұхожирлик картасини алмаштиришимга тўғри келди. (*Марина Г.*)

 Россияга келишдан олдин ҳисобга олиш зарур бўлган учта ҳолат мавжуд: рус тилини ўрганиш, муҳожирликка оид қонунлар ва тартибларни билиш ва камида 500-600 доллар пул бўлиши. Ҳар бир «билмайман» деганингиз учун пул берасиз ва ортиқча тўлайсиз. Қанчалик оз билсангиз, шунчалик кўп пул сарфлайсиз. (*Ойгул*)



### Эксперт шарҳи

*Россия сафарига тайёргарлик* – муҳожирликнинг энг муҳим босқичи. Афсуски, кўпчилик муҳожирлар бунга эътибор бершишмайди, фақат дўстлари, танишлари ва қариндошларининг ёрдамига ишонишади. Лекин Сизнинг танишларингиз орасида, афсуски, қонунчиликни ёмон биладиганлар ёки вижедонсиз воситачилар бўлиши мумкин, шунинг учун қарздорга айланиб қолмаслик ва одам савдоси қурбони бўлмаслик учун, Сизга юртдошларингиз кўмагига бутунлай суюнишга тавсия бермаймиз.

Рус тилидан билимингизни текшириши ва даражасини ошириши учун *Android* учун мобил иловалардан фойдаланиши мумкин – «*Россия для всех (Узбекский)*» ва *TORFL GO*, шунингдек, «*Образование на русском*» интернет портали (*pushkininstitute.ru*).

*Сафарга тайёрланиши пайтида Сизга Россиянинг қайси минтақасига бориши истагида олдиндан бир қарорга келишингизни маслаҳат берамиз: Россиянинг ҳар бир минтақаси ўзига хосдир ва ўз маданий хусусиятларига эга. Шунингдек, яшаи даражаси ва иш ҳақи имкониятлари Россиянинг турли минтақаларида*

анчагина фарқ қиласы: ҳар қандай ҳолатда үзингиз билан «хавфсизлик ёстиғини» олишингиз зарур - дастлабки вақт учун пул маблаги, таҳминан, МХЭМ (мекнатта ұак тұлашнинг энг оз миқдори) ҳажми-нинг 2-3 бараварида.

**Сафар олдидан бүш иши жойлари ва муносиб иши топиши билан танишишининг күп имкониятлари бор:** омад ёки воситачилар ёрдамиға ишониши хатарлидір.

Россиянинг барчаминтақаларидан ишберувчиларнинг расмий таклифларини <http://trudvsem.ru/> сайтидан – бу Россия Федерацияси Мекнат ва бандлык вазиригінің бүш иши жойлари умумроссия базаси, топиши мүмкін.

**Россия қонунчилигини ўрганмоқ жуда мұхим:** МДХ мамлакатлари фуқаролари РФда ишилаш учун патент расмийлаштырмасдан б ой мобайнида 90 кундан күп бұлмаган вақтда тұра оладилар. Олти ойда Сиз Россияга бир неча марта келиб-кетишингиз мүмкін, лекин Россияда умумий бұлиш муддатин-ғиз 90 кундан ошмаслиги зарур. 2014-йилдан бошлаб РФГа ишилаш учун кела-диган киши мұхожисирлик картасидаги «келишидан мақсад» пунктiga албатта «иши», деб күрсатиши шарт. Сафарнинг бу мақсадини күрсатмасдан туриб Россияда расмий ишга жойлашиши мүмкін эмес.

**Россияга келишингизга таъқиқ құйилмаганини текиширишингиз** ортиқчалик қылмайды: агар Сиз олдин ишга расмийлаштириши жараёнида воситачилар хизматидан фойдаланған бұлсанғиз, Сизге қалбаки ҳужжатлар тайёрлашған бұлиши мүмкін, ва Сиз таъқиқ остига тушишингиз мүмкін. Сизге таъқиқ құйилған ё құйилмаганы борасида

Сиз Россия авиаширкатлари ваколатдорликларида билишингиз мумкин, ёки РФ ИИВ ММББнинг (ГУВМ МВД) сайти-даги маҳсус формадан фойдаланиб била оласиз: <http://services.fms.gov.ru/info-service.htm?sid=3000>.

**Сизга ёрдам бериши мумкин бўлган ташкилотлар билан қандай алоқа қилишини билиши жуда муҳимдир:** бу РФнинг давлат органлари, мамлакатингиз ҳукумат мақомотларининг вакиллари (масалан, консуллик муассасалари ёки муҳожирлик хизмати вакиллари), нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин. Муҳожирларга ёрдам берувчи расмий электрон ресурсларда кўплаб фойдали ахборотлар мавжуд: «Добро пожаловать в Санкт-Петербург!» ([migrantinfo.kmormp.gov.spb.ru](http://migrantinfo.kmormp.gov.spb.ru)) ва «Добро пожаловать в Ленинградскую область!» *MigrantLenobl* мобил иловаси. РФдаги муҳожирликка оид фойдали маслаҳатлар, алоқалар ва материалларни «Миграция и мигранты» *migrussia.ru* порталада, шунингдек, *МигрАзия+* мобил иловасида топа оласиз.

## Хужжатларни расмийлаштириш

 Ҳамма хужжатларни фақат қонуний йўл билан тайёрлаш зарур, пора бермаслик зарур ва воситачи-фирмалар хизматидан фойдаланмаслик яхшироқ. (Гулнора)

 Регистрацияни воситачилар орқали қилмасликни маслаҳат бераман, Муҳожирлик масалаларига оид бошқарма ёки кўп вазифали марказга

бориш ва у ерда қилиш зарур. Воситачилар баъзан одамларни алдашади. (*Севара*)

 Ҳужжатлар тайёрланадиган ерларда үз хизматларини таклиф этадиган кишилар үралашып юришлари мумкин, улар навбатсиз, тез ва арzon ҳужжат тайёрлаб беришларини айтишади. Уларга қулоқ солманг. Менинг танишим улардан бирига пул берди, лекин унга ҳеч нарса тайёрлаб беришмади. Сиз бу ерга нотұғри келибсиз, шунинг учун расмийлаштиришмади, дейиши. Иккинчи танишимнинг айтишича, унга ҳужжатларни қилиб беришган, лекин текшириш пайтида уларнинг қалбаки эканлыги маълум бўлган. (*Жазгул*)

 Ҳамма нарсани давлат органлари орқали қилишга ҳаракат қилинг ва расмий ахборот олишга интилинг. Үз муаммоларингизни ҳал этиш учун тижорат ташкилотларига мурожаат этиш яхши эмас. Афсуски, виждонсиз фирмалар оз эмас, улар сиздан пул олишади ва ҳужжат тайёрлаб беришмайди ё қалбаки ҳужжатлар қилиб беришади. Энг ёмони, Сиз бу борада полицияда билиб қоласиз. (*Шаҳноза*).

 Агар Сиз рус тилини етарли даражада билмасангиз, рус танишингиздан ёрдам беришни сұранг. (*Ангелина Сауле*)

 Патент олиш муддати – чегарадан үтганингиздан кейин бор-йўғи 30 кун. Ҳужжатларни мустақил

тайёрлашингиз ва кейин уни бепул топширишингиз мумкин, лекин жуда катта навбатларга тайёр туришингиз зарур (*Марина*)

 Россияга келган киши муҳожирлик хизматига ўзи бориши зарур, бўлмаса, воситачиар одамни алдашади. Патентни ҳар ой тўламоқ зарур. Яхшиси, уч ойга бирдан тўламоқ керак, ё бўлмаса, ойига. Агар киши расман иш-лаётган бўлса, фирманинг ўзи регистрация қилиб бериши мумкин. (*Севара*)

 Ҳар доим ўзим қиласан, вақтимни аямайман, воситачиларга мурожаат этмаслик учун ҳамма нарсани ўзим тушуниб оламан.

Патентни ўзинг ишлайдиган ихтисос бўйича расмийлаштириш зарур. Агар нон пиширувчи бўлсанг – албатта, нон пиширувчилик патенти. Агар сенда бошқа ихтисос бўйича патентинг бўлса, кўп фирмалар ишга расмий-лаштиришмайди. (*Фотима Зарипова*)

 Ҳар қадамда сизга тирғалиб оладиган ва барча муаммоларингни ҳал этишга, ҳаммасини сиз учун бажаришга ваъда қиласидиган воситачилар кўпайиб кетди. Гўё Сиз уни қила олмайсиз, буни тушуниб етмайсиз, нотўғри тўлдирасиз ва ҳоказо. Аниқ айта оламан, ҳар бир одам ҳамма нарсани қила олиши мумкин ва ҳамма нарсага ўзи тушуниб етади, зарур ахборотларни топа олади. Фақат мияни ишга солиш ва агар бирон нарсани тушунмаса, одамлардан сўрашга чўчимаслик зарур. Агар Сиз аввалбошдан шундай

иш тутишга үргансанғиз, кейинчалик Сизға факат осон бұлади. Агар бириңчи қундан бошлаб муаммони үзингиз әмас. кимдир орқали ечишга үргансанғиз, кейинчалик шундай кетаверади, нима бұлмасин – сиз учун қилиб берадиган одамни топишга интиласиз. Омадингиз келса, яхши, аммо күпинча муттаҳамлар дуч келишади. (*Ирина*)



### Эксперт шархи

Чет әл фуқароси РФга келганидан сүнг 7 иш куни дан кечиктирмасдан келган жойида қайдда туриши зарур; ЕОИХ аъзо-мамлакатлари фуқаролари (Арманистан, Белоруссия, Қозогистон ва Қирғизистон) - 30 кун; Тожикистон фуқаролари – 15 кун ичидә. Қонун бүйіча мұхожирлик қайдыда туриши (регистрация қилиши) амалда яшаёттган жойида бұлиши зарур, қонунни бузғанлиги учун 7000 рублгача жарима белгіланған, балки Россиядан чиқарыб юбориши ҳам мүмкін. Сизни қабул қылувчи томон қайддан үтказиши мүмкін, бунинг учун Мұхожирлик масалаларига оид бошқарманинг ҳудудий бұлымларига ёки давлат хизматлари күрсатиладиган күп вазифали марказ (КВМ)га мурожаат этиши зарур.

Регистрация чегарарадан үтілғандан бошлаб 90 кундан күп бұлмаган муддатта расмийлаштирилади ва РФда ишилаш ҳуқуқини беради. Олинган ва тұланған иш учун патент асосида мұхожирлик қайдини – регистрациянинг амал қилиши муддатини узайтиши зарур.

РФда патентни расмийлаштиришида пуллық ёрдам тақлиф этадиган күплаб воситачилар (ташкылолтар

ёки алоҳида фуқаролар) иши күришади. Эҳтиёт бўлинг, алданиб қолманг:

- «хусусий шахслар» - юртдошлиар, бригада бошлиқлари, воситачилар, ҳатто Сизнинг шахсан танишингиз бўлса-да, ёрдамидан фойдаланманг: қўпинча айнан улар қалбаки ҳужжатларни расмийлаштиришади;

- агар Сиз воситачи ташкилотга ҳужжат расмийлаштиришга ёрдам сўраб мурожсаат этган бўлсангиз, кўрсатилган хизмат учун албатта шартнома тузинг;

- ҳатто воситачиларга мурожсаат этган бўлсангиз ҳам, Сиз албатта тиббий кўрик, рус тили, тарихи ва қонунчилик бўйича тестдан шахсан ўтишингиз зарур. Ҳужжатларни топирганингизда Сиз у ерда дактилоскопик регистрация (бармоқ изларини олиш) жараёнидан ўтишингиз ва суратга тушишингиз зарур.

- бирон-бир ташкилот ёки хусусий шахс Сиз учун ҳужжат олиш ҳуқуқига эга эмас. Сиз ҳужжатларингизни Муҳожирлик масалаларига оид бошқарма бўлимларида шахсан ўзингиз олишингиз зарур.

РФнинг ҳар бир минтақасида иши учун патентни расмийлаштиришга ҳужжат қабул қиласидан фақат битта ваколатдор ташкилот амал қиласди – албатта у билан алоқалар ҳақида билиб олинг ва фақат унга мурожсаат этинг. Патент фақат у берилган Россия минтақасида амал қиласди. Патент унда кўрсатилган РФ минтақасидаги ҳудудда у амал қиласидан муддатда бўлиш ва патентда кўрсатилган ихтисос бўйича

ишилаш ҳуқүқини беради, бу минтақаның ҳар бир жойида ҳар бир иш берувчидә – хоҳ у жисмоний шахс бўлсин, хоҳ ташкилот бўлсин, ишилаш мумкин. Патент ариза ва зарур ҳужжатлар топширилгандан бошлиб 10 иш кунида расмийлаштирилади.

Патент бўйича ишилаш учун Сиз навбатдаги ҳар бир иш ойига қайд қилингандан аванс солиқ тўлови (АСТ -НДФЛ) тўлаб қўйишингиз зарур. Минтақангизда бу тўлов миқдори қанчалигини албатта билиб олинг.

## Турар-жой

 Биз кўпинча икки-уч оила учун ижарага уй оламиз, чунки бундай қилмасак, анча қимматга тушади. Кўшнилар бундан норози бўлишлари ва ҳатто текшириш учун полиция чақиришлари мумкин. Сиз буни тушунишингиз зарур: одамлар қанчалик кўп юришса ва қанча кўп шовқин бўлса, қўшниларга шунчалик кўп ёқмайди.

Айниқса, болалар тез-тез бақираверишса, ёки кўплаб ҳар хил одамлар келаверишса, бу шубҳа уйготади. Одам ўзини осуда тутиши, қўшнилар билан танишиши, улар билан суҳбатлашиши зарур. (Жазгул)

 «Қора риэлторлар» ва вијждонсиз агентлардан эҳтиёт бўлинг! Расмий шартнома тузмасдан ва турар-жойни олмасдан туриб, ҳеч қачон уй танлаш ва кўриш учун пул берманг. (Замира).

 Мен бирида уй кўрмок учун бордим. У ерда агент ва уй «хўжайнлари» бор эди. Улар уйни

роса мақташди ва чет әлгә кетаётганликлари, шунинг учун тезроқ ижарага бермоқчи эканликларини айтиб, марказга яқин квартира учун озгина пул сұрашди. Мен: «Бу ерда қайддан ўтганингиз бўлган паспорт ва уй хужжатларини кўрсатинг», дедим. Улар гўё ҳозир улар ўзларида йўқлигини айтиб, ҳеч нарса кўрсата олишмади. Мен алдашаётганлигини сездим ват тезда кетдим.

Лекин мана бундай воқеалар ҳам бўлади: муҳожирлар ижара уй кўргани боришганда, агентлар муҳр босилган қандайдир қоғозни тўлдиришади, пулни олишади ва гўёки ҳамма нарса яхшидайин. Лекин уч кундан кейин уйнинг ҳақиқий эгаси келади ва ижарада турганларни ҳайдаб чиқаради. (*Бозоргул*)

 Ўғлим интернет орқали ижара уй топди, уларнинг идорасига борди. Унга олдиндан 8000 рубл беришни талаб этишган ва шундан кейин уйнинг аниқ манзилини беришларини айтишган. У менга маслаҳатлашиш учун қўнғироқ қилди, мен унга: «Рад эт!», дедим. У рад килиб, уларга аввал уйни кўриш ва ижарага бераётган одамнинг кимлигини билиши зарурлигини айтибди.

Шундай қилиб, менинг маслаҳатим: шартнома тузмасдан туриб ва ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрмасдан туриб, олдиндан пул берманг! Регистрацияни иложи борича тезроқ қилинг! (*Фотима*)

 Жуда кўп одамлар турган турар-жойларда ижарага турмаган яхши. Бу арzon, албатта. Лекин

у құшниларға ёқмаслиги турған гап ва улар полицияға хабар беришади. Бундай турар-жой ишончли әмас. Ва яна үзи ижарада турған одамларни кідеңдердің ижарада туриш ҳам яхши танлов әмас. (*Шаһноза*)

 Ишга жойлашиш ва ижарага үй олиш учун үтә әхтиёт бұлмоқ зарур, афсуски, бир неча марта қаллоблар құлиға тушиб қолдик, улар урчиб кетишган. Ижарага бериладиган үйни күрмасдан ва барча шартномаларни дикқат билан үқиб чиқмасдан туриб, ҳеч қачон идорада пул берманг. Бундай муваффакиятсиз уринишлардан сұнг биз үзимиз ижарага үй қидирдик ва танишлар орқали топдик. (*Марина Г.*)

 Турар-жой олмокчи бұлсанг – тоза, тилни бузмасдан гапирадиган танишлардан ёрдам сұраган яхшироқ. Бунда сени алдамасликлари ва катта пул талаб қылмасликлари мумкин. (*Ангелина Сауле*)

 Шубҳали тарзда арzon ва ҳеч қандай шарт құйилмаган ва ҳаммаси үтә яхши күринган таклифларға алданиб қолманг. Қаллоблар күпинча шундай иш тутишади ва менинг танишларим уларнинг тузогига тушишган. (*Ирина*)



### **Эксперт шархи**

*Турар-жойни ижарага олишдан олдин ҳар доим ижара шартномасини расмийлаштырмоқ зарур.*

*Шартномасиз яшаининг хавфли томони бор, текиширии пайтида Сизни РФда туриши қоидаларини бузганлық учун*

жаримага тортишилари мумкин. Сизни қабул қилаётган томон амалда яшаётган ё ишилаётган манзилингиз бўйича қайддан ўтказишига тайёр туриши жуда муҳимдир - бундай ҳолда Сиз ўзингизни муҳожирлик қоидаларини бузии хавфидан сақлаган бўласиз.

Юртдошларингиздан оғзаки келишиув бўйича турар-жой олишдан эҳтиёт бўлинг – улардан ижара шартномасини талаб қилинг: уларнинг ўзлари уйни ижарага олган ва уни бошқаларга бершига ҳуқуқлари йўқ бўлиши мумкин, чунки улар уй эгаси эмаслар. Уй эгаларига кафолат ёки сақлаши учун шахсий ҳужжатларингизни берманг, Сиздан ташқари ҳеч ким паспортингизни сақ-лаш ҳуқуқига эга эмас.

Россияда турар-жой ижарасининг асосий турлари: турар-жойни кўчмас мулк агентлиги орқали мустақил равишда ижарага олиш; турар-жойни хусусий мулк эгаларидан тўғридан-тўғри ижарага олиш; ётоқхоналарда ёки фойда кўрилувчи уйларда жойлашиш, шу жумладан, иш берувчи ёрдами билан.

Агар Сизга ижара шартномасисиз турар-жойни олишини таклиф қилишиса – Сиз хавфли таваккалга йўл қўясиз: уй эгаси ёки воситачи ҳар қандай пайтда ижара муддати тугамасдан туриб ва олдиндан бериб қўйган туплингизни қайтармасдан турар-жойдан ҳайдаб чиқарииши мумкин!

Уй эгаси Сизни регистрациядан ўтказиши зарур, яъни Сиз яшаётган аниқ манзил бўйича муҳожирлик қайдига қўйиши керак.

Иичи ётоқхоналари ва хостеллар (арzon меҳмонхоналар)га жойлаштиришини таклиф этадиган

күплаб ширкатлар бор. Бундай ширкатларни интернетден осонгина топиш мүмкін. Ижара шартномаси түзисідан олдин албатта аниқ ётөкхонаға ёки хостелда яшаши шароитлари билан танишинг.

## Иш излаш ва ишга жойлашиш

---

 Танишим қувонганча иш топганини айтиб, күнғироқ қилди. Ундан сүрадим: шартноманғ борми? Қандай шартнома, сүради у. Мен ҳар доим одам-ларимизга албатта шартнома түзишлиарини ва уни ўқишиларини айтаман. Шартнома бұлмаса Сиз ишлаганингизни исбот қила олмайсиз. Шартномасиз ишламанғ! (*Гулнора*)

 Тұғридан-тұғри иш берувчи билан эмас, балки воситачилар орқали ва шартнома тұзмасдан ишлаганингиз яхши эмас. Бундай воқеалар тез-тез юз беріб туради ва кейин одамлар иш ҳақларини ҳеч ҳам ола олмайдилар. (*Ша-ходат*)

 Иш излаётгандың үзингнинг миллатингдан бұлған одамни яхши инсон, сенга яхшилик қилади ва яхши иш топиб беради, деб үйлама. Ақлингни ишга сол ва үзингга ишон. (*Шаҳноза*).

 Бирида мен газетадаги эълон орқали иш топдым, магазинга ишга жойлашдым, у ердан мени турли-турли нұқталарга ишга юбораверишди, ишлаш қийин бўлиб қолди ва ишдан бўшашга қарор қилдим. Менга

---

иш ҳақини тұлашмади. Лекин менда на бир шартнома, на бошқаси бор эди. Иш шартномаси йүқлиги сабабли мәхнат назоратидан фақат суд орқали иш ҳақини ундиришга уриниб күришим мүмкінлегини айтишди. Мен судга бормадим. Құлингизда ҳар доим шартнома бўлиши ва ҳеч качон иш берувчига паспортни бермаслик зарур! Мәхнат шартномасида рақами бўлиши зарур! (*Фотима*)

 Маъқул ишни тезда топиш қийин, нима бўлмасин, хотиржам бўлиш, сабр этиш зарур!  
(*Дилноза*)

 Интернетда аёлларга шундай ишларни таклиф этишлари мумкин: видеосуҳбатдаги модель, массаж салонида ишлаш ёки раққосалик каби, катта пул ваъда қилишади ва иш ҳақини ҳафтасига берилишини таъкидлашади. Бу ишларда кўпинча фохишаликка жалб этишади. (*Ирина*)

 Қаллоблар қўлига тушиб қолмаслик учун танишлар орқали интернетдаги ишончли сайtlарга кириб кўриш керак. Лекин расмий равишда ишга жойлашиш зарур, йўқса, алдашади. Агар 50 кишини олиб келишса, бу ал-лақачон нимадир борлигини кўрсатади, улар қаллоблар бўлиб чиқиши мум-кин. Паспорtingизни олиб қўйишларига йўл қўйманг. Агар иш берувчи хуж-жатларингизни расмийлаштиrmаса, у ерда ишламанг, сизни алдашади. Бир ой ёки икки ой вақтида иш ҳақингизни бериб туришлари мумкин, лекин кейин алдай бошлашади. (*Севара*)

 Асосий қоида - шартномасиз ишлашга рози бұлманг. Шартномада ҳамма шарт-шароитлар ёзилған бўлиши мумкин: сиз нима иш киласиз, қанча тўлашади ва ҳоказо. Агар виждонсиз ширкат иш ҳақингизни тўламаса, бу Сизни ҳимоя қиласи. (Замира).

 Агар сенда ишчи визанг бўлса, ширкатингга боғланиб қоласан. Улар сен учун регистрация қилишади ва хужжатларингни бекор қилишлари мумкин. Иш берувчи бундан фойдаланиши мумкин ва доимий тарзда иш шароитини ўзgartириши мумкин, масалан, белгиланган соатдан кўп ишлатиши, иш ҳақини кечикириши мумкин. Иш берувчилар кўпинча иш ҳақини карта орқали тўлашмайди ва турли хил жарималар солишади.

Иш ҳақи кечикириладиган ҳолларда — ҳамма пулингизни иш ҳақи олганингизча сарфлаб қўйманг, қандайдир бир захира зарур. Пул олишингиз кўпинча жасурлигингизга боғлик: менга иш ҳақимни тўлашмади ва юрист билан маслаҳатлашиб, солиқ назорати директорига шикоят килишимни айтдим. Ва мен пулимни олдим, бошқалар эса, олишмади. Агар раҳбарлик шундай йўл тутса, қатъий ҳаракат қилишга тайёр туриш зарур. Ва юртдошларингиз қўлида ишлаётган бўлсангиз, улар яхшироқ йўл тутишади, деб ўйламанг: кўпинча Россияга четдан келиб, муваффақиятга эришган ва ўзининг бизнеси бор кишилар мұхожирлар билан янада ёмонроқ муносабатда бўли-шади. (Ангелина Сауле)



Ишни доим үзим топаман, үғлимга, эримга ҳам. Газета оламан ва эълонлар юзасидан қўнгироқ қиласман, ёки интернетдаги сайтларда бўш иш жойларини қараб кўраман, фирмаларга бораман ва иш берувчи билан гаплашаман.

Кўлингда шартнома бўлиши жуда мухимдир. Кўпинча одамларни алдаётганликлари, иш ҳаки беришмаётгани ҳақида эшитаман. Агар шартнома бўлса, сен ҳар доим ҳақлигингни исботлашинг ва тўланмаган пулларингни олишинг мумкин. () .



### **Эксперт шарҳи**

Ўз меҳнат ҳуқуқларингизни билинг ва уларни ҳимоя қилиши учун тайёр туринг, ўз устингизда ишилашда ва касбий маълумот олиши учун ҳаракат қилинг, ҳар доим пул жамгармангиз бўлсин ва ишга расмий равишда жойлашинг.

Сизнинг иш берувчи билан меҳнат муносабатларингиз албатта меҳнат шартномаси билан тасдиқланган бўлиши зарур, иш берувчи унинг нусхасини Сиз ишга жойлашган пайдан сўнг 3 кун орасида берииши ва Муҳожирлик масалаларига оид бошқармага юбориши зарур. Иш берувчи Сизга иш берувчининг имзоси қўйилган ва муҳр босилган шартнома нусхасини берииши зарур – бу шартнома Сизга кейинчалик ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишига ёрдам беради. Сиз ўзингиз ишилаётган ташкилот номини ва манзилини, бевосита раҳбарингиз билан алоқаларни (вазифа, фамилия, исм, телефон) билишингиз зарур. Эҳтиёт бўлинг – агар шартнома бўлмаса, ёки шартнома

амалда Сиз ишилаётган ташкилот билан түзилмаган бўлса, воситачилар Сиздан текин ишчи кучи сифатида фойдаланишилари мумкин.

Иш ҳақи миқдори меҳнат шартномасида кўрсатилиши зарур. Сиз пулни номингизга очилган маҳсус банк картаси орқали ёки бухгалтериядан шахсан имзо қўйиб олишингиз зарур. Бухгалтерияда Сизга ҳисоб-китоб варақаси бершилари зурад. Ҳар қандай пуллик муносабатлар ҳужжатлаштирилиши зарур. Агар Сизга пулдан қарз бўлсалар, иши берувчидан тилхат талаб этинг ва уни ўзингизда сақланг. Нимага имзо чекаётган бўлсангиз, дикқат билан ўқинг: агар Сизга ниманидири – шартнома, табель, тилхат ва ҳоказони имзолашни таклиф этишиса, Сиз имзолаётган нарсага рози бўлишингиз керак. Агар у қогоз шахсан сизга дахлдор бўлса – Сизга унинг нусхасини бершини талаб этинг.

Ёрдам учун мурожсаат этинг: Сиз ҳуқуқларингизни химоя этиши учун полицияга, Прокуратурага, Давлат меҳнат назоратига, РФ ИИВ ББ ММБ (УВМ ГУ МВД РФ), суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатдорга, ижтимоий ташкилотларга. Бу ташки-лотларнинг ҳаммаси билан минтақангизда алоқа ўрнатиши йўлларини билиб олинг ва уларни сақлаб қўйинг.

## **Полиция билан муносабат**

---

 Кўп одамлар гарчи ҳужжатлари жойида бўлса ҳам, полицияни қўришлари биланок дарров кўркувга тушишади. Полициячи қўрқаётгандан одамни

---

сезади ва у агар виждонсиз бўлса, афсуски, бундан фойдаланади. Ўзингни хотиржам ва ишончли тутиш зарур. Агар хужжатларингиз жойида бўлса, полиция сизни ушлай олмайди. (*Гулнора*)

 Эримнинг кўлида таниш ошпазлар ишлашарди, уларнинг патенти эса, ошпазлик учун расмий-лаштирилмаганди. Текширишга келишди ва бутун командани олиб кетишди. Уларнинг ҳар бири 5000 рублдан тўлашди ва қўл-ларига протокол тутқазишиди, гўё уларнинг иштирокисиз суд бўлиб ўтди ва суд қарорини беришмади, деб айтишиди.

Полициячидан албатта протокол нусхасини талаб этинг ва унинг гувоҳномасини сўранг! Жетон рақамини албатта ёзиб олиш зарур, кўпчилик буни билмайди.

Агар Сиз ўзингизга ишонмай турсангиз, русчада ёмон гапирсангиз, полиция билан муносабатингиз мураккаб бўлади.

Ушлашган пайтда қўнғироқ қилишга хуқуқингиз борлигини билишингиз зарур. Лекин гарчи қўнғироқ қилишга ҳақингиз бўлса-да, русчада ёмон гапи раётганингиз ва қўрқаётганингизни кўрсалар, муносабатлари ўзгаради. (*Фотима*)

 Яқинда кўчада манови ҳолатга дуч келдим: виждонсиз полициячилар гарчи хужжатлари жойида бўлса-да, бир аёлдан пул талаб қилишарди. Арапашдим. Уларга 02 га телефон қилиб, жетонларининг рақамини айтаман дедим. Натижада улар аёлни қўйиб юборишиди. Аёлнинг кўлида ҳамма нарсаси бор эди:

патент ҳам, полис ҳам, мұхожирлик картаси ҳам ва регистрацияси ҳам. (*Севара*)

 Мен паспортни уйда сақтайман, үзим билан унинг нотариал жиҳатдан тасдиқланған нусхаси ва яна паспортнинг рус тилига таржимасини олиб юраман. Бу расмий хужжат, лекин одамларни бунга ишонтиришга тайёр туриш зарур – масалан, құриқчилар ёки полициячиларни. (*Ангелина Сауле*)

 Полиция билан муаммо юз бермаслиги учун барча хужжатлар жойида бўлиши ва уларни олиб юриш зарур. Полициянинг Сизнинг паспортиңизни олиб қўйишга ҳуқуқи йўқ! (*Шаҳноза*)

 Полиция билан муносабат – бу сен үз ҳуқуқларингни қанчалик яхши билишинг ва русча гапира олишингни аниқловчи бир имтиҳон, текшириш дейишим мумкин. Ана шунда сенинг хатоларинг ва нималарни билмасликларинг кўриниб қолади.

Агар сен ишонч билан жавоб берсанг ва ҳуқуқларингни билсанг, ҳеч қандай муаммо юз бермайди. Ва улар сен билан умуман бошқача гаплаша бошлайдилар. Виждонсиз ходимлар мұхожирнинг билмаслиги ва қўрқувидан фойдаланишади, қаердаги йўқ талабларни ӯйлаб топишади. Албатта ҳамма хужжатлар жойида бўлиши ва ушлаш учун бирон сабаб бўлмаслиги зарур. (*Ойгул*)



### **Эксперт шарҳи**

Полициянинг вазифаси – қонунга риоя қилишини таъминлаши, жиноят ва ҳуқуқбузишлар олдини олиш. Полиция ходимларидан қўрқмаслик керак, лекин улар билан муносабатда ўз ҳуқуқларингни билишинг зарур.

Ўз хизмат вазифаларини бажараётган полициячиларгина ҳужжат текшириши ҳуқуқига эга. Бундай ходимлар маҳсус кўкрак нишони (жетон)га эга бўладилар – унинг рақамига аҳамият беринг, эслаб олинг ва ёзиб қўйинг.

Унутманг – пора бериши жиноят ҳисобланади! Полициячига пул берманг! Пул олиши мақсадидаги таъмагирлик ҳақида дарҳол 112 телефонига хабар беринг.

Полиция ходимлари жарима тўлаши ёки бошқа бир тўлов учун Сизнинг ҳужжатларингизни кафолатга олиб қўйши ҳуқуқига эга эмаслар – бу ноқонуний.

Агар Сиз полиция ходимлари томонидан ўз хизмат ваколатларидан четга чиқши ҳолатига учрасангиз, аризангизни қабул қилишини рад этиши, полиция-чиларнинг чора кўриши учун ҳаракатсизликлари, пора олишига интилиши ва бошқа коррупсион ҳаракатларни кўрсангиз, Сиз полициячиларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиши ҳуқуқига эгасиз.

### **Оила ва болалар**



Россияда бола туғиши бепул, муҳожир аёлларга ҳам. Лекин қўшимча тиббий хизматлар учун

пул олишлари мүмкін. Суғурта ширкатида Сизнинг полисингиз қайси тиббий ёрдам учун құлланилишини билиш зарур. (*Ситора*)

 Агар Россияда күзинг ёриса, бола туғишии учун пул олинмайды. Лекин таҳлиллар мавжуд алмашув картаси бўлиши зарур, йўқса, инфекцион бўлимга (обсервация)га ётқизишади, у ерга зарур ҳужжатлари ва таҳлиллар йўқ бўлган ҳаммани жойлаштиришади. Менинг синглим туққанида, бошқача бўлди. Унинг қўлида ҳамма зарур нарсалар бор эди, беморхонага «тез ёрдам»да олиб боришиди. У обсервацияда эмас, одатий бўлимда ётди. Беморхонада ётган кунлари учун пул тўлади. (*Ирина*)

 Россияда болаларни ҳимоя қилиш йўлга қўйилганини билиш зарур. Агар болангиз каттиқ йигласа ёки ёмон шароитларда сақланса, ё қаровсиз қолса, қўшнилар ҳомийлик ташкилотларига шикоят қилишлари мүмкін. Болалар албатта мактабда ўқишли зарур.

Яна кўп болалар ҳовлида, қишлоқдаги уйларда катта бўлишганини, улар кўп қаватли уйлар нималигини билишмаслигини айтмоқчиман. Деразаларга ўта эътиборли бўлинг, болаларни, айниқса кичик болаларни ёлғиз қолдирманг. (*Гулнора*)

 Айрим аёллар бу ерда эркаклар билан топишиб олишади ва бола туғишиди. Бу муносабатлар вақтинча бўлиши мүмкін ва эркак ташлаб кетади –

---

масалан, унинг ўз юртида оиласи бўлади. Аёл бўлса, қўлидаги чақалоги билан ёлғиз қолади. Бундай ҳолда муҳожир аёл учун бу ерда жуда қийин бўлади! У ишлай олмайди, унинг турагар-жой ва патент учун тўлашга пули бўлмайди, бўлиб ўтган ҳодиса ҳакида ўзининг оиласига айтишга кўркади. Мен аёлларга бу ишга қадам қўйишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат бераман. Бу ердаги ўзининг вазиятини ва ўзининг имкониятларини тўғри баҳолай олмоқ зарур. (Замира)

 Болаларни болалар боғчасига жойлаштириш жуда қийин ва ҳатто имкониятсиз бўлади. Муҳожир аёллар болаларига навбати билан қараб, бир-бирларига ёрдам беришади: бу боланинг бир ўзини ёлғиз қолдирмаслик учун қулай йўлдир. Агар ёш болаларингиз бўлса, бу масалани қандай ҳал этишни олдиндан ўйлаш яхши. (Ойгул).

 Мен мактабга боламни жойлаштириш учун бордим, лекин бизни қабул қилишмади. Иккинчисида ҳам қабул қилишмади. Биз «Дети Петербурга» координатори-мувофиқлаштирувчисидан бу ҳакда сўрадик. Бизга РОНГа бориш зарурлигини айтишди. Биз у ерга бордик ва бизни мактабга қабул қилишди. Шундай қилиб, дарҳол РОНГа боринг! Яна болада албатта 026 формаси бўлиши зарур. Ва тиббий карта тайёрлаш ҳам зарур. Бу қиммат, чунки фақат пуллик клиникаларда тайёрлаб беришади, лекин у бўлмаса, болани мактабга қабул қилишмайди. (Жасгул)

 Агар одам боғча ё мактаб масаласида қаерга боришин умуман билмаса, РОНОга бориши мүмкін, у ерда нима қилишни, Сизнинг қандай ҳуқуқларингиз борлигини, қандай ҳужжатлар тайёрлашни аниқлашынгиз мүмкін.

Болалар майдончасида оналар билан мулоқотда бўлиш мүмкін. Улар нима қилиш зарурлигини айтишади. Тўғри болалар боғчасига бориши мүмкін, у ерда мудирнинг телефоны бор, унга қўнгироқ қилиб, қандай ҳужжатлар зарурлиги ва кимга мурожаат қилишни билиб олиш мүмкін.

Ҳамма ерда ва ҳар доим сўраб билиб олган яхши. Агар биринчи одам жавоб бермаса, иккинчисига мурожаат этинг. Одамлар ҳар хил, хафа бўлиш яхши эмас, шундайгина сўраш ва гаплашиш зарур.

Болалар боғчаси ёки мактабга болани ота ё онаси ёздириши мүмкін, бошқа қариндошлари ёздира олмайдилар! (*Шируя*)



### Эксперт шарҳи

Тұгруқ пайтида тиббий ёрдам күрсатиши экстрен ёрдамга киради ва бепул, тұхтатмасдан күрсатылади, шу жумладан чет залық аёлларға ҳам. Санкт-Петербургда регистрацияси ва бошқа ҳужжатлари бўлмаган ва русча сўзлашмайдиган тугаётган аёллар одатда 15-тұгруқхонага (Малая Балканская күчаси, 54-үй) олиб борилади. Бу тұгруқхонада озарбойжон, тожик ва ўзбек тиллари таржимонлари ишила-шади. Тұгруқ оғриксиз ва муваффақиятли ўтиши, чақалоқ соглом бўлиши учун

олдиндан (ҳомиладорликнинг дастлабки пайтларида) энг яқиндаги аёллар маслаҳатхонасида қайдда туриши зарур, олдин-дан тиббий хизматлан ўтиб, таҳлиллар топишриши керак.

Қонунлар бузилганда ё бола ҳуқуқи чекланган ҳолларда минтақангиздаги Бола ҳуқуқлари бўйича ваколатдорга ёки РФ Президенти қошидаги Бола ҳуқуқлари бўйича ваколатдорга мурожсаат этиши зарур (*deti.gov.ru*). РФнинг ҳар бир минтақасида болали оиласаларни қўллаб-қувватлаш билан шугулланадиган ижтимоий ташкилотлар ва хайрия жамгармалари фаолият юрити-шади – улар фақат ҳуқуқий ёрдам кўрсатибгина қолмасдан, балки инсон-парварлик ёрдами ҳам кўрсатишади.

Инсон савдоси – оғир жиноят. Жиноий Кодексига кўра сексуал эксплуатация мақсадидаги одам савдоси, бола савдо-сотиги, меҳнат эксплуатацияси мақсадидаги одам савдоси, шужумладан, ёлланма меҳнатноми остида ишилатиши (аутсорсинг) ва меҳнат муҳожирларини ёллаш билан шугулланганлар 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Одам савдосига тортилган аҳолининг энг заиф қатлами аёллар ва болалар саналадилар. Одам савдоси борасида маълум бўлган факtlар ҳақида тезда полицияга хабар берииш зарур. Одам савдоси қурбонларига РФ минтақаларида ишилаётган ижтимоий ташкилотлар ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатишлари мумкин. Одам савдоси қурбонига айланмаслик борасидаги эсдаликни Россия ИИВ (МВД) сайтидан топиш мумкин: [https://mvd.ru/upload/site1/oper\\_up/booklet\\_trafficing\\_web\\_1.pdf](https://mvd.ru/upload/site1/oper_up/booklet_trafficing_web_1.pdf)

## Тиббий ёрдам олиш

---

 Бир ҳамкасбимизнинг қўли жароҳатланди, у бу борада фақат бир неча кундан кейин мурожаат қилди. Унга сугурта хизматини рад этишди, унга айтишларича, бу экстрен тарзда юз бермаган ва шунинг учун у дарҳол мурожаат этмаган. Шунинг учун маслаҳатим: врачга дарҳол мурожаат этинг! (*Фотима*)

 Энг арzon полис Сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайди – унга экстрен ёрдамдан ташқари ҳеч қандай тиббий ёрдам ола олмайсиз. Аэропортда уни бирданига уч ойга сотиб олишингиз учун мажбурлашади, лекин кейин у сизга ёрдам бермайди. Қиммат бўлса-бўлсин, лекин у сизга ёрдам беради.

Менинг қўшнимга уч марта «тез ёрдам» чақиришди, келишмади, ўғли уларга қўнгироқ қилиб, телевидениени чақиришини айтганди, улар дарров етиб келишди. Агар одам қаерга, қандай мурожаат этишни билмаса, қонун-ларни билмаса, муаммолар билан тўқнашаверади.

Кўричагим бор эди, беморхонада операция учун 30 минг рубл тўлашимни айтишди, лекин мен сугуртага қўнгироқ қилишларини айтдим. Улар рад этишди, лекин ўғлим телевидение чақирмоқчи эканлигини ва менинг касаба иттифоқи аъзоси эканлигимни билишгач, улар ўша куниёқ полис бўйича операция қилишга рози бўлишди (*Севара*)

 Бу ерда яшаган менинг синфдошимнинг ўғлининг кўричаги оғриб қолди. Улар врачга

---

мурожаат этишди, лекин у операция пуллик эканлигини айтди. У сұғурта ширкатига құнғироқ қылды ва бу ҳақда сұради. Натижада уни бепул операция қилишди. Шундай қилиб, тиббий полис ёрдам беради, фақат ундан қандай фойдаланишни билиш зарур. (*Фотима Зарипова*)

Албатта, бемор бұлмаган яхшироқ. Күпинча мұхожирлар  врачларға экстрен ҳолатларда мурожаат этишади. Масалан, жароҳат олғанда ёки зудлик билан операция зарур бұлғанда. Бундай ҳолларда бепул тиббий хизмат күрсатилади. Тортинмасдан сұғуртага құнғироқ қилиш ва билмоқ зарур, врач айтди деб, дарровгина пул бермаслик керак.

Агар одам жароҳат олса ва иш берувчи айбдор бұлса, яъни иш шароити қулай бұлмасдан, техника хавфсизлигини бузган бұлса, ундан даволаниш учун тұлашни талаб этмоқ зарур. Лекин бу ерда яна бир нарсаны маслаҳат бермоқчиман: одамлар эътиборлироқ бұлишлари зарур, ҳаёт ва саломатлық учун шарт-шароитлар ёмон ва хавфли бұлған ерларға ишлашга боришимасин. Агар Сиз үзингиз ҳақида үйламасангиз ва қайғурмасангиз, Сиз ҳақингизда ким үйлайди? Бунда пул ишлай олмайсиз ва яна зарап күрасиз, яқинларингизга ташвиш орттирасиз ҳам. (*Ойғул*)



### Эксперт шархи

Зарур бұлған тақдирда албатта тиббий ёрдамга мурожаат этинг.

Бахтсиз воқеаларда, жароҳат олинғанда, захарланғанда ва ҳаёт учун хавфли бұлған ўткір

қасаллуктарда тез тиббий ёрдам БЕПУЛ күрсатылады, ҳатто сизда полис ва бошқа ҳужжаттар бўлмаса ҳам.

Сизга ихтиёрий ёки мажбурий тиббий сугурта полисини берган сугурта ташкилоти телефон рақами ва номини эсда тутинг – агар Сиз полисингизни йўқотиб қўйсангиз, ўша сугурта ширкатига мурожсаат этиб, уни тиклашингиз мумкин, ё тез тиббий ёрдам зарур бўлиб қолган ҳолатда полиснинг расмийлаштирилганини тасдиқлатиб олишингиз мумкин.

Сугурта полиси йўқолиши мумкинлиги назарда тутилган ҳолатда унинг нусхасини қилиб олиши фойдалидир. Ишлаб чиқариш жароҳати олинган ҳолатда bemorxonada Сиз бу айнан иш пайтида юз берганини айтинг ва полицияга, прокуратурага ёки давлат меҳнат назоратига мурожсаат этинг. Иш берувчи Сизга даволаниши учун барча харажатларни тўлаши ва иш қобилиятини йўқотганингиз, соглигингизга етган зарар, маъна-вий ва моддий зарар учун тўлаши зарур, шунингдек, меҳнатни асраш қоидаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

## Ижтимоий ташкилотлардан ёрдам

---

 Мұхожирларга бепул ёрдам, маслаңат берадиган, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашадиган ижтимоий ташкилотлар бор. Болаларга рус тилини ўргатишига бепул ёрдам берадиган ташкилотлар бор, масалан, «Дети Петербурга».

Масалан, биз ўзимиз рус тилида мулоқот қилиш учун тил клубини ташкил этдик. Учрашамиз, турли

мавзуларда сұхбатлашамиз, 5 ёшдан 70 ёш-гача бўлган одамлар келишади. (*Гулнора*)

 Бизнинг «Дети Петербурга» ташкилотимизга мурожаат этишингиз мумкин. Мен бу ташкилотда ёрдамчи (волонтер)ман. Биз мухожирлар ва қочқинларнинг болаларига ёрдам берамиз. Уларга рус тилини ўргатамиз, музей ва театрларга, экскурсияга олиб борамиз, шаҳар лагерларига жойлаштирамиз. Буларнинг ҳаммаси бепул. Агар болангиз рус тилини билмаса, ва унинг мактабда муаммоси бўлса, бунда «Дети Петербурга» ташкилотига мурожаат этишингиз мумкин.

Мен шунингдек, «Гул» газетасини тайёрлашга ёрдам бераман. Бу Марказий Осиё аёллари ва уларнинг оила аъзолари учун газета. У тўрт тилда – ўзбек, тоҷик, қирғиз ва рус тилларида нашр этилади. Биз унда мухим мавзуларда мақолалар ёзамиз, масалан, болани қандай қилиб мактабга жойлаштириш ёки Россия олий ўкув юртларига кириш, оиласидан зўравонлик нима эканлиги ва унга учраган ҳолатда қаерга мурожаат этиш ҳақида, мухожирларга ёрдам берадиган ташкилотлар ҳақида ёзамиз. Газетада Марказий Осиёдан ва Россиядан бўлган қизлар ва аёллар ишлашади. Газета ҳақида кўпроқ билиш ва унинг электрон кўринишини бу ерда ўқиш мумкин [vk.com/gazetagul](https://vk.com/gazetagul) (*Айим*)

 Менга китобча қилиш ғояси жуда маъқул, мухожирлар ўзларининг бу ерда учраётган турли муаммолари ҳақида мухожирларга сўзлаб беришли-

ри фойдали. Биз бу билимларимизни бошқалар билан үртоқлашсак ва муаммоларни биргаликда ечсак, яхши бұларди. Үзимизга ёрдам беришни үрганиш зарур, мен буни жуда мухим, деб үйлайман. (*Шаһноза*).

 «ПСП-фонд»да күп марта бепул маслаңатлар олдик. Менга ва менинг танишларимга ёрдам беришди. (*Севара*)

 Ұғлимнинг ишида ёнғинга қарши система ишлаб кетган, товарни ивиттан, савдо уч соатга тұхтаган. Бошликлар гүё у сигнализацияга тегиб кетган деб, ұғлимга 25 минг рубл жарима солишли. Ұғлимнинг паспортини тортиб олишли, ишдан хайдаймиз ва Россиядан чиқартириб юборамиз, деб құрқитишли. иш ҳақини беришмади. «ПСП-фонд»да бизга қандай иш күришни айтишли. Мехнат назоратига шикоят килдик. Натижада бизга 25 минг рублни қайтаришли ва ұғлимнинг ҳамма иш ҳақини тұлашды. (*Фотима Зарипова*)



### *Эксперт шархи:*

Россияда мұраккаб масалаларда бутунлай бепул касбий ёрдам күрсатадиган күплаб ижтимоий ташкилоттар мавжуд. Үз касбининг усталари бұлған кишилар билан маслаңатлашынг, фақат юртдошларингиз ва танишларингизге сұяниб қолманғ – уларнинг күплари сезге чиндан ёрдам беришни исташади, ле-кин қонунчилікни яхши билишимайди.

## Маҳаллий аҳоли билан мулокот

---

 Россиянинг ўз анъаналари бор ва уларни хурмат қилиш зарур, мен доим бу ҳақда айтаман. Бошқа мамлакатга келдингми – у ерда қабул қилинганини қилмоқ керак. (*Гулнора*)

 Руслар билан мулокотда бўлиш зарур, ўз қобигингда ўралашиб қолмаган яхши. Ишда, қўшнилар билан, мактабда ота-оналар йиғилишига борсанг, у ерда гапирмоқ керак. (*Замира*).

 Мен руслар билан гаплашиб, кўп фойдали ва муҳим маълумотларни билиб олдим, бу ерда дугоналар орттирдим. Менга маслаҳат бериб, ёрдамлашишди, қайси сайтларда яхши иш топиш мумкинлигини, қайси ширкатга бормаган маъқуллигини айтишди. (*Шаҳноза*)

 Мен фақаттина ўз диаспоранг орасида яшамасликни маслаҳат берардим, бунда янги жойда мослашиш қийин кечади. Мен одамлар факат худди ўз кўлмакчасида яшаётгандек яшаётганликлари, факат ўз тилларида гаплашиш-лари, русчада ёмон гапиришлари ҳолатларини биламан – улар орасида бу ерда 20 йил яшаётганлар ҳам бор. Ва ҳар доим ҳам миллий диаспораларга ишониш керак эмас. (*Ангелина Сауле*)

 Муҳожирнинг ўзи бу ерга келдими, демак, ким билан мулокотда бўлишини тушуниши

---

керак – бунда унинг ўзи ташаббус күрсатиши керак. Тадбирларда унинг очиқкүнгиллиги ва яйраб қатнашишига қараб кутиб олишади ва қабул қилишади.  
*(Марина Бусигина)*

 Мен рус дўстлари ва дугоналари бўлган, улар билан мулоқотда бўладиган кўп одамларни биламан. Менинг ҳам рус дугоналарим бор, аёллар, онахонлар билан кўришиб турамиз, яхши муносабатда бўламиз.

Мен доим ёшларимизга қўшнилар билан саломлашинглар, доим очиқ чехрада бўлинглар дейман, маслаңат бераман. Агар кекса кишилар оғир сумка кўтариб кетаётган бўлсалар, ёрдамлашинглар, дейман.  
*(Фотима Зарипова).*

 Турли одамлар билан мулоқотда бўлиш керак: факат ўзингнинг тор доирадаги одамларинг билан эмас, балки бошқа мұхожирлар билан ҳам, маҳаллий одамлар билан ҳам. Бу дунёқарашишингни кенгайтиради, ҳаётнинг турли соҳалари ҳақида турли хил ахборотни билиб оласан. Агар ким биландир ёмон муносабатда бўлган бўлсанг ва ишинг юришмаган бўлса, ёқимсиз одамлар учраган бўлса, албатта, бундай ҳоллар ҳам бўлади, биқиниб олиш яхши эмас ва ҳаммани улар каби ўйламаслик керак. Ҳар бир халқда яхши ва ёмон одамлар бўлади, лекин яхшилар барибир кўп.  
*(Ойгул).*

 Буерда «кийинишишингга қараб» кутиболадиганлар ва одамларни маҳаллий ё келгиндига бўладиган,

инсоннинг касби ишчими ё идорада ишлайдими, унинг телефонининг модели қанақа ва кийимиға қайси тамға босилган, деб ажратадиган одамлар бор. Буни айниқса Москвада кўпроқ ҳис қилиш мумкин. Бунга хотиржам муносабатда бўлмоқ зарур. Лекин менга кўпроқ очиқкўнгил одамлар учрашади ва улар билан яхши муносабатда бўламан. (Ирина)



### **Эксперт шарҳи**

Россияда жамоатчилик жойларида ўзини тутмоқ ва атрофдаги одамлар билан муносабатда бўлиш меъёрлари мавжуд: масалан, баланд овозда гапириш, транспортда емоқ, кўчада пиво ичмоқ, ифлослантирмоқ одатдан ташқари саналади. Транспорт ва жамоатчилик жойларида кекса кишиларга жой бўшатиб бериш қабул қилинган. Гаплашишига уриниш учун тиргалиб олмоқ, ўта яқин келмоқ, уйга таклифсиз кирмоқ атрофдагиларнинг норозилигини түгдиради. Хурмат этмоқ ва тартибли бўлиш меъёрга кирган.

Россия – дунёвий мамлакат: ибодатхоналар, мачитлар ва диний бирлашмалардан ташқарида ва диний байрамлардан бошқа кунларда диний фаолиятини кўрсатмоқ, ахлоқ, кийим, ўзини тутиши ҳақида диний тасаввурларини билдируммоқ галати туюлади ва кўпчилик томонидан маъқулланмайди.

Россия – аёллар ва эркакларнинг тенгҳуқуқлиги эътироф этилган мамлакат. У қонун билан қўриқланади. Қоидага кўра, оиласидаги муносабатлар тенгҳуқуқлидир. Россиялик аёллар оила қуриш ва

ишилашыга эришағылар. Аёллар чиройлы кийинишини яхши күришиади. Ұзларининг чиройларини күрсатыши – бу мустақиллик ва үзіча иши тутишини күрсатмоқдир, асло ким биландыр танишишига тайёр туриши дегани әмас. Күчада танишиши қабул қилинганды әмас. Аёлларнинг ҳуқуқлари ва әрқинлигини чеклаш, ошлада зұравонлық қилиши мүмкін әмас, бу жамоатчилик ва қонун томонидан қораланади.

Россияда болалар, үгел болалар ҳам, қызлар ҳам албатта мактабда таълим олишилари шарт, кейин, истакларига күра колледж ё университетде үкисиади. Болалар меңнатидан фойдаланыш, уларни үйда оғыр меңнатга тортиши ва ишда отаоналарига қарашишилари қабул қилинмаган.

## Дам олиш

 Шаҳарда жуда күп тадбирлар үтказилади, ұтто белуплари ҳам бор, жуда чиройлы шаҳар байрамлари үтказишиади. Биз Ғалаба кунига бордик, катта таассуротлар олдик. Мен Петербургнинг күплаб музейларига ойига бир марта белуп кириш мүмкінлеги ҳақида билмес эканман. Бу хабарни музейларнинг сайтларидан билиб олиш мүмкін. Албатта вақт топиб, музейлар, паркларда бўлиш керак, Петергоф фаввораларини кўриш лозим. МДҲдан бўлган 16 ёшгача болаларга худди россиялик болалар каби паркка кириш белуп. (Шаҳноза)

 Петербург – бу ажойиб бир шаҳар! Тарих ва маданиятини ўрганинг, бу ерда жуда кўп қизиқарли нарсалар бор. Биз бошқа муҳожирлар ва уларнинг болалари билан тўпланиб экскурсияга борамиз, дарё сайрига чиқамиз, Пушкинга борамиз, Эрмитажга кирамиз. Ҳар доим кўп пул сарфламасдан дам олиш имконини топиш, биргаликда тўпланиб гурухий экскурсияга чиқиш мумкин. (*Гулнора*).

 Мен бўш вақтимда ҳаммага бепул маслаҳатлар бераман. Фойдали маслаҳатлари бўлган китобларни ўқийман, ўрганаман, бошқаларга ҳам ўрганишни маслаҳат бераман. (*Севара*)

 Петербург – музей-шаҳар. Албатта, унинг энг диққатга сазовор жойи – бу Эрмитаж, дунёдаги энг йирик музейлардан. Эрмитажга кириш чиптаси 700 рубл. Агар Сиз РФ фуқароси бўлсангиз, паспортиңизни кўрсатиб, 400 рублга олишингиз мумкин. Лекин Эрмитажда ҳамма учун бепул кириш мумкин бўлган кун бор – бу ҳар ойнинг биринчи пайшанбаси.

Петербург, олдинги Ленинград бой тарихга эга ва қаҳрамон-шаҳар бўлгани учун, у Иккинчи Жаҳон урушида 872-кунлик қамални бошидан кечирган, Ленинград мудофааси ва қамали музейини албатта кўрмоқ керак. Музейда уруш даврига оид экспонатлар мавжуд. Кўплаб суратлар, хатлар бор, уларни кўтар, ўқир экансиз, ўша давр муҳитига тушиб қоласиз. Тарихнинг бу саҳифаларини билиш зарур, музей сизни ҳеч қачон лоқайд қолдирмайди. Музей сешанба ва

ҳар ойнинг охирги пайшанбасидан ташқари ҳар куни ишлайди, 10:00 дан 18:00 гача. Чипта нархи эса – 250 рубл, мактаб үқувчилари, студентлар ва пенсиядагилар учун – 60 рубл (*Айим*)

 Мени негадир Қизил Хоч үзига тортди, волонтерлик қилиб, якшанба күнлари болаларга ёрдам бера бошладим. Мен бунгача шаҳарда негадир тез мослашиб кета олмаётгандым. У ерда ажойиб болалар бор: мұхожирларнинг болалари, биз билан құшни яшайдиган кишиларнинг болалари ҳам бор, у ерда улар үйнашади ва овқатланишади, ота-оналари бўлса, дам олишади. Қизил Хочга бориш, болаларни ҳам эргаштириб бориш мумкин. У ерда яхши, сенга қарашадиган кишилар бор, улар орасида ажойиб маҳаллий ёшлар, қизлар ва йигитларни учратиш мумкин. Мен бу мослашиш учун энг яхши шароит деб үйлайман, сенга маъқул келадиган ажойиб бир мұхит. Қизил Хоч ва унга үхшаган бошқа ташкилотлар, жамғармаларда ҳузур қиласиз, күнглин-гизга илиқлиқ югуради. (*Марина Бусигина*)

 Петербургда маданий дам олиш учун жуда күп жойлр бор, улар ҳақида маҳаллий ахолидан сұраб олиш ва интернетдан қидириш мумкин. Музейлар, театрлар, кинотеатрлар, турли хил тұғараклар и секциялар мавжуд, танловлар, турли хил тадбирлар, экскурсиялар ұtkазилади. Агар үзингиз бормасангиз ҳам, болаларни бунга үргатинг, улар нима биландир шугулланишсин. Фақат иш ҳақида,

тирикчилик қилиш, пул топишни ўйлайвериши яхши эмас, бунда одам худди айланча чарҳдаги олмахонга ўхшаб қолади. Мен бундай қилмоқ нотўғри деган фикрга келганман.

Петербурглик дугонам менга ҳатто Ленинграддаги камал кунлари ҳам ахвол қанчалик ёмон ва қийин бўлмасин, одамлар концертга боришгани, бо-лаларни театрга олиб боришганини айтиб берди. (*Ойгул*)

 Кутубхоналарда бепул тил ўрганиш клублари бор, турли хил кинонамойишлар, фестиваллар ўтказилади. Мен тасодифан бир эълонни кўриб қолдим. Шунчаки қизиққаним учун у ерга бордим. Мактабда мен фаол ва ҳамма нарсага қизиқар эдим, олимпиадаларда қатнашардим, кейин ҳамма қизиқишларим сўниб кетди. У ерда мен турли одамлар билан қизиқарли учрашувларда бўлдим, менга ёқди. Мен инглиз тилини ўргана бошладим, уни мактабдан кейин унутиб юборгандим. (*Ирина*)



### Эксперт шарҳи:

Россияда тез мослашиб кетиши учун Сизга маҳаллий аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлишини, дўстлар ортишишини, байрамларда қатнашишини, кинотеатр, музей, театр, кутубхоналарга бориб туришини, рус тилини ўрганишини тавсия этамиз. Санкт-Петербургни Россиянинг маданий пойтахти деб атасади – бу ерда 97 та олий ўқув юрти, 198 та кутубхона, 200 тадан ортиқ музей, 68 та парк, 100 дан ортиқ театр, 50 дан ортиқ концерт зали мавжуд.

Шаҳарда ҳаммаси бўлиб 70 тадан кўп қасрлар, маданият ва ижодиёт уйлари фаолият юритади. Улар билан алоқа қилишини Сизга энг яқин муассасадан билиб олиш ёки Санкт-Петербургнинг Маданият комитети сайтидан топиш мумкин - <https://spbculture.ru/ru/institutions/6/>

Ўсмир-ёшлиар марказларида ва клубларида спорт секциялари, узайтирилган кун ва психологияк қўллаб-қувватлаш гурухлари, қизиқишига кўра тўғараклар амал қиласади, ижтимоий ходимлар ишлashingdi. Ўзингизнинг районингиздаги ўсмир-ёшлиар клублари билан алоқаларни Санкт-Петербургнинг «Дома молодежи» сайтида топиш мумкин - <http://spbdtm.ru/podrostkovo-molodezhnye-tsentry-i-kluby.html>

Петербург кутубхоналари – ҳар қадамда топши имкони бўлган маданий ва ахборот марказлари. Кутубхоналарда катталар учун ҳам, болалар учун ҳам кўплаб қизиқарли тадбирлар ўtkaziladi. Уларнинг фаолияти ҳақида «Общедоступные библиотеки Санкт-Петербурга» сайтидан билиб олиш мумкин - <https://spplib.ru>. Кутубхоналар базасида чет эллик фуқаролар учун «Уголки мигранта» ахборот нуқталари ишлайди – уларнинг рўйхатини қўйидаги манзилдан топиш мумкин - <http://migrantinfo.ktormp.gov.spb.ru/ugolki-migranta/>

Санкт-Петербург ва унинг диққатга сазовор жойлари ҳақида, шунингдек, чет эллик фуқароларнинг Россия жамиятига мослашиб ва киришиб кетишига кўмаклашувчи тадбирлар борасида Санкт-Петербург Хукуматининг муҳожир-ларга ёрдам берувчи «Добро

пожаловать в Санкт-Петербург!» расмий сайти-дан билиб олиш мүмкін- <http://migrantinfo.kmormp.gov.spb.ru/>.

## **РВП, ВНЖ, Россия фуқаролиги**

 Фуқаролик олиш – бу узоқ вақт оладиган иш. Фуқаролик олиш учун 10 йил вақтим кетди. Аввал РВП - Россияда яшаш изжозати, сұнг ВНЖ - яшаш ҳуқуқи, кейин фуқаролик. Фирмалардан жуда күп таклифлар тушади, пул учун барча муаммоларни ҳал этиб беришни вайда қилишади. Яхшиси, уларға мурожаат қылмаслик керак. Давлат ва ижтимоий ташкилотлар бор, улардан ахборот олиш яхшироқ. (*Гүлнора*).

 РВП га ариза берилганды, даромадлар ҳақида маълумотнома зарур (ишдан ёки банқдан маълумот). Зарур хужжатлар рұйхатида бу йўқ, лекин ариза топширилаётганды барибир сұрашади, шунинг учун олдин ишдан берилган маълумотнома ва яшаш минимумига мувофиқ ҳисобдан күчирмани тайёрлаб қўйинг.

РВП ёки ВНЖга хужжатлар топширилаётганды даромадларингиз ҳақида банқдан берилган күчирма билан маълумотнома тайёрлаш яхшироқ ва осонроқ. (*Наталья*)

 Биринчи галда навбатларга тайёр бўлмоқ зарур, навбатлар ҳамма ерда бор ва қаердадир жараён тез ўтади деб ишониш мутлақо соддалиқдир. Одамлар

били танишиш, танишлар билан келмоқ, алоқалар бўлиши зарур ва ҳо-казо. Қатъий, ишни битиришга интиладиган бўлмоқ зарур, эшикни ёпиб олишса ҳам, барибир кириб бораверинг. Рус тилини билган одам тўғридантўғри қариндошлари бўлган кишилар Россияда яшаганликлари ҳақида хужжат олиб бориши зарур. Айнан туғилган эмас, яшаганликлари учун. Агар бу подшоҳлик Россиясида бўлса, архив маълумоти зарур, фалончи Иванов ўша пайтда қишлоқда яшаган дейилган, агар бу РСФСРда бўлса —ЖЭКдан маълумотнома зарур, унда фалончи маълум вактда у ерда бўлгани кўрсатилади, ва бу рус тили ташувчиси сифатида эътироф этиш учун етарли бўлади. Мана шундай қизиқ тартиб.

Олдиндан ўз мамлакатингиз фуқаролигини рад этишингиз рапур, бу жа-раён узоқ чўзилади ва агар бир йил бўлмаса, камида ярим йил вақт олади. Россияяга келганча жараён бошланиши учун барча маълумотларни йигишиш ва кейин Россияга йўлга чиқиш зарур, рус тили ташувчиси мақоми расмийлаштирилгунча — айнан фуқароликдан воз кечиш иши ҳам тайёр бўлади. Бу ерда консуллик орқали қилмоқ анча қиммат ва анча кўп вақт олади.

Қонун бузилишига рўпара келсангиз, шикоят ёзишдан қўрқманг.

Суҳбат пайтида тасдиқлай олишингиз мумкин бўлган барча даромад манбаларингизни кўрсатинг. Ҳар гал ҳамма нарсани текшириш зарур ва биронта назоратчи сизни ишонтира олмаса, албатта бир неча назоратчидан бу тўғрида сўраб чиқинг. Бунда ҳаммасини текшириб

күриш, ҳамма билан, айниқса, қабулхонада ўтирган кишилар билан маслаҳатлашиш керак, улар бу борада кўп нарсаларни кўрган бўлишлари ва бошқаларга қараганда кўпроқ маслаҳат беришлари мумкин.

Кейин мен муҳожирлик қайдида турмаганим учун яна муаммо пайдо бўлди: мен фукаросиз шахс учун яшаш ҳужжатини олганимда, менга почта орқали ҳам қайддан ўтишингиз мумкин, дейишди. Маълум бўлишича, айнан муҳожирлик хизматида қайддан ўтиш зарур экан, айнан уларнинг идораларига бориб. Бош идора биносига чопиб боришимга тўғри келди, мени жаримага тортишди ва шундан кейингина менга ҳужжат беришди. Ҳамма нарсани, мутлақо ҳамма нарсани текшириш зарур ва назоратчилардан шундайми ё йўқлиги борасида сўрамоқ керак. (*Марина Бусигина*)



### *Эксперт шарҳи*

*Вақтинча яшаши учун ижозат ва Россия фуқаролигини расмийлаштиришида воситачилар хизматидан фойдаланманг – Сиз ҳар доим тўғридан тўғри Муҳожирлик масалаларига оид бошқармага мурожсаат этишингиз мумкин. Ҳушёр бўлинг – йирик шаҳарларда, Москва ва Санкт-Петербургда Сиз доимий яшашини расмийлаштиришида узун навбатларга ва бошига қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин: Россия фуқаролигини бошига минтақаларда расмий-лаштириши анчагина енгилроқ. Сохта никоҳлардан ўтманг ва пора берманг – бу фактлар ҳужжатларни расмийлаштириши пайтида маълум бўлиб қолиши мумкин ва Сизнинг фуқаролигингиз бекор қилинади.*

*РВП унинг амал қилиши муддатида чет әллик фуқарога РФ ҳудудида доим ва кирдичиқди қылмасдан туриши, патент расмийлаштирмасдан расмий равиида ишилаш, РРФ бүйлаб әркін ҳаракатланиши, шунингдек, РРФ да яшаши ҳуқуқини олиш учун ариза бериш, кейинчалик Россия фуқаролигини олиши имкониятими беради.*

*РФнинг аҳоли зич яшайдиган минтақаларида, айниқса, Москва ва Санкт-Петербургда вактингча яшаши учун ижозат квотаси олиши имкониятим одатда жуда кам, лекин у Россиянинг аҳоли кам яшайдиган минтақалари ва областларида күпроқ берилади.*

*РВП берилиши учун ариза топшириши тартиби ва бунинг учун зарур бўлган ҳужжатлар, жумладан, аризалар намуналари ва билдирувлар ҳақида қўйидаги манзилдан билиб олиши ва уларни кўчириб олиши мумкин - <https://гувм.мвд.рф/gosuslugi/item/12896/>*

*Агар Сиз Россия Федерациясига кўчиб келишини ва Россия Федерацияси фуқаролигини олишини истасангиз, ва келиб чиқшишингиз Россиядан бўлса, Сиз ва оила аъзоларингиз ватандошларни кўчириши давлат программасидан фойдаланишингиз мумкин. Давлат программасида қатнашиши б ой давомида Россия фуқаролигини расмийлаштиришини англатади. Давлат программаси, Россия минтақалари, кўчиб келиши шартшароитлари ва давлат қўлловини олиши борасидаги тафсилотлар ҳақида мазкур сайтдан билиб олишингиз мумкин: [www.aiss.gov.ru](http://www.aiss.gov.ru) - «Соотечественники» портали: ватандошларни РРФга кўчириши давлат программаси сайти.*

## Ҳар тұғрида

 Бу ерда бизнинг миллий таомларимизни пишириш учун зарур бўлган барча масаллиқлар ва зираворларни bemalol сотиб олиш мумкин. Мен бу ерда ҳар беш кунда нон ёпаман, тўғри тандир эмас, «духовка»да. Петербург-да яхши овқатлар пишириладиган ўзбек кафелари кўп, у ерда ўтириб, сухбатлашиш мумкин. (Фотима Зарипова)

 Ҳозир Россия жамиятида аёлнинг уйдаги бурчлари борасида турли хил гапларни эшитиш мумкин. Айрим рус аёлларининг айтишларича, аёллар эркаклар билан бирдай ишлашади, шундай экан, уйдаги ишларни ҳам teng бўлиб бажариш керак. Биз кўпинча худди ватанимизда бўлган тартибларни сақлаб қоламиз, аёл уйдаги барча ишлар, болалар тарбияси учун ҳам жавоб беради, овқат пиширади, уй тозалайди, кирювади, магазинга боради.

Бу ерда ёш аёллар ташқи кўринишга, кийимга кўпроқ эътибор берадилар, спорт билан шуғулланишади. (Ойгул)

 Агар яхшилаб қидирсангиз, тажрибали кишилардан сўрасангиз, озиқовқатни арzon сотиб олиш мумкин бўлган магазин ва бозорларни ҳар доим топасиз. Худди шундай кийим ва оёқ кийимини ҳам. Агар озиқ-овқатни ол-сак, қаердадир арzon гўшт сотиб олиш мумкин бўлса, бошқа бир ерда ун ва ёрма, яна бошқа ерда мева ва сабзавот оласиз ва уларнинг

ҳаммаси турли томонда бўлиши мумкин. Лекин биз буни осонгина билиб оламиз. Соатлаб ва дам олиш кунисиз ишласанг, у ерларнинг ҳаммасига боришга вақт топа олмайсан. Кучинг ҳам қолмайди, вақтинг ҳам. Лекин тежашни ўрганмасанг ва дуч келган жойдан сотиб олаверсанг, уйингга жўнатиш учун пул тўплай олмайсан. Бу ерда ҳаёт кечиришинг ва уйингга ҳам жўнатиш учун эса, қирқ минг рубл атрофида пул ишлаш зурар. Агар кам пул топсанг, фақат бу ерда яшашинг учун ишлаган бўлиб чиқасан. (*Жазгул*)

 Бу ерда агар аёл хижобда ёки ёпинган бўлса, баъзан ёмон ва шубҳали муносабатга дуч келиш мумкин, айниқса мусулмонлар билан яхши таниш бўлмаган одамлар шундай муносабат қилишади. Петербургда жуда оз аёллар бундай юришади, уларни онда-сонда кўриш мумкин, шунинг учун одамлар бунга одатланишмаган.

Оддий магазинларда мусулмон аёл учун ёпинадиган кийим топиб бўлмайди, маҳсус магазинларга бориш зарур, уларни интернетда ва ВКонтакте сайтида осон топиш мумкин. (*Замира*)

 Бу ерда кийим ва оёқ кийими, ҳатто бозорларда ҳам биздагига қараган кўпинча қиммат бўлади. Кўп нарсани уйдан олиб келган яхши. Бозор бўлса ҳам, у ердаги нарсалар магазиндагига қараганда арzonроқ дегани эмас. Мавсум охирида савдо марказлари, тармоқ магазинларида бозорда сотиб олинганига қараганда арzon сотиб олиш мумкин. Болалар кийими ва умуман,

болалар буюмлари – бутунлай қиммат, болаларни олиб келадиган бўлсангиз, бунга тайёр бўлинг. Ва болалар қишлоқда ёки кичик шаҳарларда ўсган бўлсалар, кўрмаган нарсаларини кўришади, кўзлари ўйнаб кетади, ҳаммасини сотиб олиб беришларини исташади, айниқса қўшни болаларда ё синфдошларида бу нарсалар бор бўлса, болангиз ҳам буларни хоҳлайди. Сиз бўлсангиз, болангиз бошқалардан ёмонроқ кийинмаслигини истайсиз. Гарчи бу истакни амалга ошириш кўпинча аҳмоқона бўлиб чиқади, ва кўп ўтмасдан аслида кераксиз нарсани болангиз ташлаб юборади. Лекин ҳамма шундай қиласди, ҳамма сотиб олади, демак, керак экан. Катта шаҳарда шундай қили-нади. Шундай экан, агар мақсадингиз пул ишлаш ва жамғариш бўлса, болалар билан қийинроқ бўлишини тушуниш зарур. (*Шаҳноза*)

 Петербург – бу катта ва у албатта, қиммат шаҳар, ҳеч бўлмаганда менинг ватанимдагига солиштирганда шундай. Мен озиқ-овқат учун кўп сарфлайман. Бу ерда табиий озуқаларни топиш қийинроқ. Агар сен қишлоқдан ёки кичик шаҳардан келган бўлсанг, ва мева ва сабзавотлар химикатсиз бўлишига, сут ва творог ҳақиқий, гўшт янги бўлишига ўрганган бўлсанг, бу ерда уларни топиш қийин ва бори ҳам жуда қиммат. Ленинград обlastida ишлаганимда, у ердаги фермер хўжаликларидан янги маҳсулотларни сотиб оламан. (*Ирина*)

 Бушундай гап, бу борада бирорвга маслаҳат бериш ҳам ғалати, лекин биринчи марта келганимда

дугонам билан унга дуч келдик. Петербургнинг ҳавоси совуқ шимолий иқлим, бу ерга келишингдан олдин үйлаганингга қараганда совукроқ. Ҳатто кузда ҳам жуда совуқ бұлади ва май ойида ҳам қор ёғиши мумкин. Қишда эса, умуман -30 даража бўлиши мумкин. Шунинг учун иссиқ кийимлар олиш зарур ёки уларни сотиб олиш учун пулинг бўлгани яхши. (*Citropa*).

**Янада қўпроқ маслаҳатлар, қонунчиликка оид  
маълумотлар ва фойдали жиҳатларни қўйидаги  
сайтдан топишингизмумкин**  
**[www.migrussia.ru](http://www.migrussia.ru)**

**Ҳуқуқий масалаларга оид бепул маслаҳатларни  
БФ «ПСП-фонд»да олишингиз мумкин  
Тел.: +7 (812) 337-57-85, +7 953 141-31-09**

**Меҳнат муҳожирлари болаларига рус тилини  
ўрганиш, мактабга жойлаштиришдаги ёрдамни  
СПб РОО «Дети Петербурга» да олишингиз мумкин  
Тел.: 8 911 773-77-87**

Мигрантки советуют мигранткам  
Полезные советы о жизни в России  
(на узбекском языке)

Подготовка публикации:  
БФ «ПСП-фонд»

Составитель: Ефимова О.Б.

Редактор: Панич Б.Л.

Контакты:  
БФ «ПСП-фонд»

(бесплатная консультационная помощь мигрантам,  
членам их семей и работающим с ними специалистам)


Телефон: +7 (812) 337-57-85

Электронная почта: [bp@psp-f.org](mailto:bp@psp-f.org)

Сайты: [www.psp-f.org](http://www.psp-f.org), [www.migrussia.ru](http://www.migrussia.ru)

Подписано в печать:  
Тираж 500 экз. Заказ №  
Отпечатано в типографии “L-PRINT”  
192007, Санкт-Петербург,  
Лиговский пр., 201, лит. А, пом. 3Н





Публикация подготовлена в рамках проекта  
«Социальная интеграция женщин и детей мигрантов», реализуемого при  
поддержке Совета Министров Северных стран.  
Совет Министров Северных стран не несет ответственности  
за содержание публикации.